

## Набий алайҳиссаломнинг соч толалари



11:31 / 17.05.2024 2915

Муҳаммад ибн Сириндан ривоят қилинади:

**«Абийдага: «Бизда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Анасдан ёки Анас розияллоҳунинг аҳлидан олганимиз сочлари бор», дедим.**

**У: «Ундан бир толаси менда бўлиши мен учун дунё ва ундаги барча нарсалардан севимлироқдир», деди».**

*Бухорий ривоят қилган.*

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Сартарошнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочларини олаётганини кўрдим. Саҳобалари у зотни ўраб олишган эди. Бирор соч донаси тушса ҳам бирор кишининг қўлига тушишини хоҳлашар эди».**

*Муслим ривоят қилган.*

